



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
РОПЗК харид комиссиясининг
раиси

_____ **А.Мамадалиев**

“20” сентябрь 2022 йил.

Кондиционерлар сотиб олиш ва ўрнатиш буйича
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ

Тошкент-2022 й.

Республика Олимпия ва паралимпия захиралари коллежи (РОПЗК) худудидаги биноларга кондиционерлар сотиб олиш ва ўрнатиш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш эълон қилади.

Хизмат номи: Кондиционерлар сотиб олиш ва ўрнатиш

Танлашни утказиш шакли: Электрон шаклда.

Шартноманинг бошлангич баҳоси: 100 000 000 (Бир юз миллион) сўм.

Тайлов ҳужжатларини қабул қиладиган ҳамда танлов утказиладиган

манзил: <https://etender.uzex.uz/>

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш буйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Танлов иштирокчиларига танлаш буйича харид қилиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс:

Директорнинг хўжалик ишлари буйича ўринбосари – Мамашакиров Сажар Саидмуродович, тел.: 71 273-49-89.

Таклифларни такдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:

Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 5 календар кунни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

Бугортмачининг юридик манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий 4-тор кўчаси, 38 уй.

Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:

- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- танлов ҳужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва рақамларни бўяш) йул қўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов ҳужжати комиссия томонидан четлаштирилади;
- танлаш иштирокчиси такдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва туғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танловга такдим этиладиган ҳужжатлар:

- тижорат таклифи;
- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йул қўймаслик буйича ариза;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш буйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома;

- ташкилотнинг руйхатга олинганлик гувоҳнома нусхаси (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим);

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами.

1.1 Кондиционерлар сотиб олиш ва ўрнатиш ишларини амалга ошириш. Кондиционерлар ички ва ташқи бирликлардан ташкил топган алоҳида бўлиши керак. Кондиционернинг характеристикаси: Колонный кондиционер. Кафолат муддати - 3 йил, Ранги – Оқ, Обслуживаемая площадь, м²: 270, Охлаждающая способность (BTU): 100000, Мощность в режиме охлаждения, кВт: 27, Электропитание, ф/Гц/В - 3/50/380-415, Тип хладагента - R22, Циркуляция воздуха, м³/ч – 3800, Вес внутреннего блока, кг – 120, Вес внешнего блока, кг – 200, Габариты внутреннего блока (ШхВхГ), см - 120x185x36, Габариты наружного блока (ШхВхГ), см - 135x145x60, Пульт дистанционного управления – Есть, Дополнительные режимы - Режим вентиляции, Гарантированный диапазон наружных температур (охлаждение), °С - До 43, Гарантированный диапазон наружных температур (обогрев), °С – до -7, Тип кондиционера – Колонный, Мощность в режиме обогрева, кВт - 29,8, Потребляемая мощность при охлаждении, кВт - 2,76, Потребляемая мощность при обогреве, кВт - 2,66, Охлаждающая способность (BTU) – 100000, Основные режимы - Охлаждение / обогрев, Мощность в режиме охлаждения, кВт – 27,1.

2. Пудратчига қўйиладиган талаблар.

2.1 Кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш учун ташкилотнинг руҳсат этиладиган сертификати ва юқори малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги.

2.2 Кондиционерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлиги буйича уқитилган ва электр хавфсизлиги буйича малака гуруҳида тегишли лавозимга эга бўлган ходимлар томонидан амалга оширилиши керак. Юқоридаги тренинглари ва электр хавфсизлиги гуруҳидан ўтишни тасдиқловчи ҳужжатлар иш бошланишидан олдин тақдим этилиши керак.

2.3 “Пудратчи”, ташқи ишларни (кондиционернинг ташқи блоқини таъмирлаш, техник хизмат курсатиш, ўрнатиш ва қайта ўрнатиш) амалга ошириш учун авто кутаргични (автовышка) ўз ҳисобидан амалга ошириш.

2.4 “Пудратчи” ҳар қандай ишларни сифатсиз бажарган бўлса, ушбу ишлар учун зарур бўладиган материаллар ва эҳтиёт қисмларни уз маблағлари ҳисобидан қайта амалга ошириш.

2.5 Кондиционерларни ўрнатиш учун керакли бўлган барча замонавий электр улчагич асбоблари ва диагностика ускуналаридан фойдаланадиган малакали мутахассислар томонидан амалга ошириш. Барча ўлчаш асбоблари ва асбоб-ускуналар “Пудратчи”нинг мулки бўлиши шарт.

2.6 Зарур бўлганда, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш буйича кушимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни иш жараёнида тадбир қилиш.

2.7 “Пудратчи” иш вақтини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек меҳнат муҳофазаси, ёнғин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги қоидаларини тўлиқ риоя этишни таъминлаш.

2.8 “Пудратчи” ўз ходимларини иш қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари, иш кийимлари, махсус жиҳозлар ва сарфланувчи материаллар билан таъминлаш.

3. Кондиционерлар сотиб олиш ва ўрнатиш учун қилинадиган ишлар.

3.1. Кондиционернинг таркибий қисмлари ва агрегатларини ташқи кўриқдан ўтказиш;

3.2. Жиҳозларнинг ишлашида шовқин, бегона товушлар ва тебранишлар мавжудлигини текшириш.

3.3. Ташқи ва ички блокнинг дренаж тизимини ва фильтрларини кўздан кечириш.

3.4. Совутгичнинг техник параметрларини текшириш.

3.5. Ташқи ва ички блокларнинг параметрлари билан солиштириш.

3.6. Механик ва электр уланишларни текшириш.

3.7. Ускуналар ва қурилмаларнинг электр параметрларини текшириш.

3.8. Қувурларни иссиқлик изоляциясини текшириш.

3.9. Иш режимларини текшириш.

3.10. Масофадан бошқариш пулти орқали ускунанинг барча режимларда ишлашини текшириш.

3.11. Ташқи ва ички блокнинг вентиляторларини текшириш.

3.12. Ташқи ва ички блокнинг иссиқлик алмашинувчисини текшириш.

3.13. Ташқи ва ички блоклардаги бошқарув платасини визуал текшириш.

3.14. Қувурларда ва венелларда фреон газининг сизиб чиқишини текшириш.

3.15. Ускуналарда мой сизиб чиқишини текшириш.

3.16. Кондиционернинг ташқи ва ички қисмларини маҳкамлаш ишончлилигини текшириш;

3.17. Компрессорнинг ишга тушиш ва ишчи токини ўлчаш.

3.18. Ускуналарда кўчланишини ўлчаш.

3.19. Фреон босимини текшириш, агарда фреонларида камчилик аниқланса кондиционерларга фреон қуйиш. (Фреон пудратчи ҳисобидан).

3.20. Кондиционернинг компрессорида мойини текшириш.

3.21. Кондиционер агрегатларининг механик шикастланишини текшириш.

3.22. Кондиционернинг ички блокнинг хаво тортадиган панжаралари дамда хаво фильтрларини текшириш.

3.23. Кондиционерларни ўрнатишда талаб этиладиган пайвадлаш ишларини амалга ошириш, (пайвандлаш учун зарур бўладиган сарфланувчи материаллар пудратчи ҳисобидан).

3.24. Кондиционерларни ташқи блокларини темир панжаралар билан ўраш. (барча зарур бўладиган сарфланувчи материаллар пудратчи ҳисобидан).

4. Иш жойи ва вақти

4.1. “Буюртмачи”нинг кондиционерлар сотиб олиш ва ўрнатиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий 4-тор кўчаси, 38-уйда жойлашган Республика Олимпия ва паралимпия захиралари коллежи жойлашган худудда амалга оширилади.

4.2. Кондиционер сотиб олиш ва ўрнатиш учун техник хизмат кўрсатиш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 7 кун ичида амалга ошириши шарт.

4.3. Кондиционерларни ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш “Буюртмачи”нинг иш вақти давомида амалга оширилади. Иш вақти дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 17:00 гача (5/7). Объектга кириш санаси ва вақти Буюртмачи билан олдиндан келишиб олинади.

Илова: ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

Мазкур шартнома лойҳаси дастлабки ҳисобланиб, унинг шартлари томонларнинг қарорига кўра қонунда белгиланган қоидаларга зид бўлмаган ҳолда ўзгариши мумкин.

ҲИСОБ ШАРТНОМА № _____

_____ « _____ » _____ 202__ й.
(контракт тузилган жой) (контракт тузилган сана)

Бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи _____
_____ номидан Низом асосида фаолият олиб боровчи
_____ бир томондан ва бундан буён “ХАРИДОР” деб
аталувчи _____
_____ номидан _____ асосида фаолият олиб боровчи _____
_____ бошқа томондан, ушбу контрактни қуйидагилар
тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Етказиб берувчи қуйидагиларни етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1.					
	Жами:				

1.2. шартноманинг умумий суммаси _____
(сумма харфлар билан).

_____ сўмни ташқил
қилади.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Харидор” мазкур контрактни ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 20 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 7 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Харидор” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманномада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Харидорнинг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Харидорнинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Харидорнинг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш; Харидор ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманномага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Харидорнинг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Харидордан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Харидордан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Харидорга товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Харидорининг талаби бўйича ___ - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Харидор:

- тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи

миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун Харидор маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Харидор етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Етказиб берувчи:

- тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;
- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (Харидор) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (Харидорга) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш

муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар киради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи:	

Рахбар	(директор):
_____	_____
М.Ў.	(имзо)

Харидор:	
Ташкилот номи: _____	


Манзил: _____	
Телефон: _____	
Факс: _____	
СТИР коди: _____	
ОКОНХ: _____	
Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи: _____	
Ғазначилик бўлинмаси номи: _____	

ИНН рақами (ғазна): _____	
Ягона Ғазначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ): 23402000300100001010	
Рахбар	(директор):
_____	_____
М.Ў.	(имзо)

Харид комиссиясининг мазкур масъул котиби:

Коллеж ҳисобчиси

Э.Умаров



Комиссия аъзолари:

Ўқув ишлари буйича директор ўринбосари

А.Нурматов

ММ ишлари буйича директор ўринбосари в.в.б

Ф.Нухриддинов

ХИ буйича директори ўринбосари

С.Мамашакиров

Бино ва иншоотлар муҳандиси

С.Сатторов

